

## А Ж Р И М

(жиноят ишени ярашув асосида тугатиши ҳақида)

2025 йил апрель ойининг 24 куни жиноят ишлари бўйича Хатирчи туман судининг сайёр суд мажлиси, Хатирчи тумани “Хўжақўрғон” маҳалла фуқаролар йиғини биносида бўлиб,

раислик қилувчи Ш.Мамиров,

судья ёрдамчиси Д.Дўсмуродовнинг котиблигида, тарафлардан Хатирчи туман прокурорининг катта ёрдамчиси А.Жумаев, гумонланувчи А.Қўчқоров, жабрланувчи К.Қодиров ва фуқаровий даъвогар Р.Расуловларнинг иштирокида, судланувчи А.Қўчқоровга нисбатан бўлган №1-2110-2501/85-сонли жиноят иши кўриб чиқилди.

**Қўчқоров Абдулла Йўлдошевич (Qo‘chqorov Abdulla Yo‘ldoshevich)** 22.06.1986 йилда Нурота туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, Самарқанд Марказий геология қидирув экспедициясида ишчи, оилали, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам 20.05.2003 йилда жиноят ишлари бўйича Нурота туман суди томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-модаси 1-қисми билан бўлган жиноят иши тарафларнинг ярашувига асосан тугатилган, Нурота тумани “Қадоқ” маҳалла фуқаролар йиғини, Кўкбулок қишлоғида яшайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятини содир қилганликда гумонланувчи сифатида ишда иштирок этишга жалб қилинган.

Суд, гумонланувчи, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарларнинг кўрсатувларини эшитиб, уларнинг ярашув ҳақидаги аризаларини муҳокама қилиб, тарафларнинг фикрини тинглаб, қуйидагиларни

## А Н И Қ Л А Д И:

Гумонланувчи А.Қўчқоров, алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, 2024 йилнинг июль ойларида Хатирчи тумани “Чинобод” маҳалласида яшовчи фуқаро Қодиров Камолитдин Қамбарович билан кўришиб, у билан Хатирчи тумани “Бинокор” маҳалласида яшовчи фуқаро Расулов Рустам Тулкиновичга тегишли ва унинг номида бўлган “Нексия-2” русумли, 85 Н 059 НА давлат рақамли автомашинани сотиш ва кейинчалик ҳужжатларини расмийлаштириб беришига келишиб, уни алдаб, ишончига кириб, К.Қодировдан автомашина учун жами 25 млн. сўм миқдоридаги пулларни олишга эришиб, ушбу пулларни Р.Расуловга бериш ва



автомашинадан қолган қарздорлигини бартараф этиш чорасини кўрмай, автомашинани К.Қодировнинг номига расмийлаштириб бермасдан, унинг пулларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган.

Судда, гумонланувчи А.Қўчқоров айбига тўлиқ иқрорлиги ва чин кўнгилдан пушаймонлигини, жабрланувчи К.Қодиров ва фуқаровий даъвогар Р.Расуловга етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлиқ қоплаганлигини билдириб, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар билан ўзаро ярашганлигини, ўзига оид жиноят ишини ярашув асосида ҳаракатдан тугатишни сўради.

Судда жабрланувчи К.Қодиров, гумонланувчи А.Қўчқоров етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, унга нисбатан даъвоси йўқлигини, А.Қўчқоров билан ўзаро ярашганини, ярашув ихтиёрий бўлиб, ҳеч ким тазйик ўтказмаганини, суд ярашувни тасдиқлаган тақдирда, мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотиши тушунтирилганлигини билдириб, А.Қўчқоровга оид жиноят ишини ярашув асосида ҳаракатдан тугатишни сўради.

Судда фуқаровий даъвогар Р.Расулов, гумонланувчи А.Қўчқоров етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, унга нисбатан даъвоси йўқлигини, А.Қўчқоров билан ўзаро ярашганини, ярашув ихтиёрий бўлиб, ҳеч ким тазйик ўтказмаганини, суд ярашувни тасдиқлаган тақдирда, мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотиши тушунтирилганлигини билдириб, А.Қўчқоровга оид жиноят ишини ярашув асосида ҳаракатдан тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасида “Ушбу Кодекс 168-моддаси 1-қисмда назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиний жавобгарликдан озод этилиши мумкин” лиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан жабрланувчи Жиноят кодексининг 66<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши суд томонидан айблилик масаласи ҳал қилинмасдан тугатилиши мумкинлиги қайд этилган.

Суд, ушбу Қонун талабларидан келиб чиқиб, гумонланувчи содир этган жиноятининг оқибатини англаганлигини, айбига иқрорлигини, томонларнинг ихтиёрий ярашганликларини, етказилган маънавий ва моддий зарарлар қопланганлигини, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарнинг гумонланувчига даъвоси йўқлигини, шу билан бирга, суд жабрланувчи К.Қодиров ва фуқаровий даъвогар Р.Расуловларга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг улар мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш



хукуқини йўқотишини тушунтиришни инобатга олиб, гумонланувчи А.Қўчқоровга нисбатан жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ ҳаракатдан тугатишни ҳамда гумонланувчига эҳтиёт чораси қўлланилмаганлиги қайд этишни лозим деб ҳисоблайди.

Шунингдек, жиноят ишига илова қилинган бир дона ДВД дискни жиноят иши билан бирга сақлашни лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга асосан ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 423, 582-586-моддаларига мувофиқ, суд

### **А Ж Р И М Қ И Л А Д И :**

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисм гумонланувчи **Қўчқоров Абдулла Йўлдошевич (Qo'chqorov Abdulla Yo'ldoshevich)**га нисбатан жиноят иши тарафларнинг Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан ярашганлиги муносабати билан жиноят иши ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига кўра тугатилсин.

Иш бўйича етказилган зарар қопланганлиги эътироф этилсин.

Гумонланувчи А.Қўчқоровга эҳтиёт чораси қўлланилмаганлиги қайд этилсин.

Жабрланувчи К.Қодиров ва фуқаровий даъвогар Р.Расуловларга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддасига кўра мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш хукуқини йўқотиши тушунтирилсин.

Жиноят ишига илова қилинган бир дона ДВД диск жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ажримдан норози томонлар 10 сутка ичида апелляция тартибида, ажрим қонуний кучга киргач кассация тартибида шу суд орқали Навоий вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига хусусий шикоят ёки хусусий протест келтиришга ҳақли.

Ажрим раислик қилувчи томонидан алоҳида хонада ёзилиб, чоп этилди.

**Раислик қилувчи**

**Ш.Мамиров**

